

Date: 3rd November-2025

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Байдавлатова Феруза Нордонкуловна

Гулистон шаҳридаги 9-сонли мактабнинг маънавий-маърифий ишлари бўйича
директор ўринбосари Гулистон шаҳри

Бугунги кунда Мухтарам Президентимиз томонидан таълим ва тарбияга берилаётган имконият ва яратилаётган шарт-шароитларнинг чегараси йўқ.

Президентимиз бир сўзни кўп таъкидлайдилар, биз тарбиялаётган ёшлар юксак билимли, замонавий касб эгаси бўлиши мумкин, лекин қалбида ватанпарварлик, фидойилик, Ватанга садоқат туйғуси бўлмаса кўзлаган мақсадларимизга эриша олмаймиз.

Чиндан ҳам агар ўқувчи зўр билимли бўлсаю, агар унинг қалби Ватанпарварлик ва фидойилик билан ёнмас экан, келажакни мустаҳкам қилиб қуриб бўлмайди.

Авваллари таълим ташкилотларида ўтказилаётган аксарият тарбия тадбирлар одатда формал, номигагина, доимий такрорланадиган тарзда ўтказиларди ёки бўлмаса турли идора ва ташкилотлар томонидан келишилмаган тадбирларнинг салмоғининг ҳам кўплиги таълимга салбий таъсир кўрсатаётганди.

Мана ҳозир эса барча таълим ташкилотлари учун ягона бўлган “Маънавий-маърифий тадбирларнинг намунавий иш режа” си бўйича ишларни ташкил этаётганимиз ўз самарасини бермоқда.

Биз учун яна бир қувончли ва муҳим янгилик, бу йилдан бошлаб таълим ташкилотларида ҳафтанинг ҳар душанба куни “Келажак соати” дарсларини ташкил этилаётганлиги, “боғча – мактаб – олий таълим” тизимида ягона ғоявий тарбиянинг йўлга қўйилишига замин яратди. Ўтган ўқув йили мисолида солиштирсак, биргина синф соати дарсининг намунавий режаси барча синфлар учун бир хилда яратилгани, эндиликда эса “Келажак соат”лари ҳафтанинг биринчи соатидан бошлаб milliytarbiya.uz платформасида тайёр маъруза матни намуналари, видеоконтентларнинг жойланганлиги ҳамда улардан кутилаётган натижаларнинг бериб борилаётганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Яна бир янгилик ҳудудларда “Келажак маркази” ташкил этилаётганлиги, бу орқали ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларнинг иқтидори ва истеъдодини юзага чиқаришга кўмаклашиш борасида ягона вертикал тизими жорий этилиши ҳам биз учун катта янгилик бўлди.

Бугун Президентимиз белгилаб берган долзарб вазифалар ва яратилаётган янги тизим асосида ўқувчи ёшларни ҳақиқий Ватанпарвар, юрт тақдири учун масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир фарзандлар этиб тарбиялашга бор куч ва имкониятларимиз, билимимизни бағишлаб тарбиявий ишларда ҳам вилоятимиз барчага ўрнак бўла олади деб ишонч билдираман.

